Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш ва қабул қилиш

**ШАРТНОМАСИ**

20 22 йил "27" 01 Т-09 -сон Сайрам
(шартнома тузилган жой)

Низом асосида фаолият юритувчи ________________
(Истеъмолчи номи)

(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади), раҳбари ________________ бир

томондан ҳамда Низом ва 20__ йил "__" ______да берилган ___-сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи "________________"

(Газ таъминоти ташкилоти номи) (кейинги ўринларда "Етказиб берувчи" деб аталади), раҳбари ________________ иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

## I.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг келишилган буюртманомаси бўйича табиий газ (кейинларда ўринларда газ деб аталади) етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ҳажмда газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатида амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига мувофиқ, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертификатга эга газ қурилмалари, шунингдек,электрон газни ҳисоблаш приборлари (кейинги ўринларда ҳисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган меъёрларга (Табиий газдан фойдаланиш қоидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки кўрсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни тақдим этади.

Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига қадар келгуси йилда истеъмол қилинйшни тахмин қилинаётган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган газ ҳажми техник шартларда белгиланган босим ва ҳажмда 20 22 йилда ______ куб.м, нархи ______ минг сўмни ташкил қилади, жумладан чораклар ва ойлар бўйича қуйидагича тақсимланади:

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| I чорак | 86,0 | мингкуб.м, | январь | 29,0 | февраль | 29,0 | март | 28,0 |
| II чорак | ______ | мингкуб.м, | апрель | ______, | май | ______, | июнь | ______. |
| III чорак | ______ | минг куб.м, | июль | ______, | август | ______, | сентябрь | ______. |
| IV чорак | ______ | мингкуб.м, | октябрь | ______, | ноябрь | ______, | декабрь | ______. |